

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 3 сон**





**13.00.00**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PEDAGOGICAL SCIENCES**

**БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ДИСКУРСИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ  
ШАКЛАНТИРИШ МУЗМУНИ**

Мамадалиев Элёр Ахмаджонович  
Наманган давлат университети  
ўқитувчи

**Аннотация:** Мақола талабаларнинг дискурсив компетенциялари шакллантиришининг мұхимлігі асосланды; унинг вазифалари очиб берилди; матннинг айрим элементларини түшүнмаслик ёки унинг прагматик ійналишини етарлича таҳлил қила олмаслик сабабли юзага келадиган қийинчиліклар таҳлил қилинди; талабалар томонидан амалга ошириладиган таржималар сиғатини оширишига қараштаган метод ва машқлар тақлиф етildи.

**Таянч сўз ва иборалар:** чет тил; таржима; матн; таржимадаги қийинчиліклар; таржима қилиши омилкорлиги; таржима сиғатини баҳолаш.

**СОДЕРЖАНИЕ ФОРМИРОВАНИЕ ДИСКУРСИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА**

Мамадалиев Элёр Ахмаджонович  
Наманганский государственный университет  
преподователь

**Аннотация:** В статье обоснована важность уровня дискурсивной компетенций студентов; выявлены ее функции; изучены основные трудности, возникающие в связи с непониманием отдельных элементов текста либо с неспособностью адекватно проанализировать его прагматическую направленность; предложены задания, направленные на повышение качества выполняемых студентами переводов.

**Ключевые слова и фразы:** иностранный язык; перевод; текст; переводческие трудности; переводческие компетенции; оценка качества перевода.

**CONTENTS FORMATION OF DISCURSIVE COMPETENCE OF FUTURE TEACHERS  
OF A FOREIGN LANGUAGE**

Mamadaliev Elyor  
NamSU

**Abstract:** The article reveals the content of the notion "discursive competence" in the aspect of educating future foreign language teachers. The thesis is upheld on the necessity of concretizing this notion through the definition of the characteristics of discourse individual types as trainees will become their participants in future professional activity. The specificity of one of the types of institutional discourse is described. The list of educational discourse addresser's skills is given, taking into account the parameters of discursive flexibility, interaction, thematic development and coherence.



**Key words and phrases:** pedagogical education applicable to foreign languages; communicative competence; discursive skills; institutional discourse; discourse analysis.

Үтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, жаҳон коммуникатив лингвистикасида нутқ ғаолияти турларининг субъекти сифатида коммуникатив компетенциянинг тўрт даражали моделини ўз ичига олган грамматик, социолингвистик, дискурсив ва стратегик компетенциялардан фойдаланиш ва илмий таҳлил қилишдан кенг фойдаланилиб келинмоқда [5; 6].

"**Дискурсив компетенция**" атамасида коммуникатив компетенциянинг маълум бир қисми ва нутқий (ёзма ва оғзаки) мулоқотнинг турли вазиятларида лисоний, нутқий ва ижтимоий-маданий компетенцияларни амалга ошириш лаёқати тушунчasi ифодаланади.

Бундай модел доирасида **дискурсив компетенция** деганда, нутқ ҳосиласи (матн)нинг тузилиши, яхлитлик, ўзаро боғлиқлиги (мазмун даражасига мувофиқлиги) ва маълум бир жанр талаблари асосида ташкил қилинган оғзаки ёки ёзма матнни яратиш орқали қўзланган коммуникатив мақсадга эришиш қобилияти тушунилади [1].

Бугунги кунгача жаҳон тилшунос олимлари томонидан коммуникатив компетенциянинг тўрт даражали моделига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиб келинмоқда. Унинг таркибий қисми сифатида дискурсив компетенцияга турли хил таърифлар берилмоқда. Жумладан, чет тилларга ўқитишининг халқаро стандартлари («Хорижий тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенцияси» тизими: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш» "CEFR (Common European Framework of Reference for Languages) бир банди нутқ ғаолияти субъектлари – ҳам она тилида сўзлашувчилар, ҳам чет тилини ўрганувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш масалаларига бағишлиланган [6].

Ушбу ҳужжатта мувофиқ, дискурсив компетенция коммуникатив компетенциянинг прагматик шаклларидан бири бўлиб, тилдан она тили сифатида фойдаланувчиларнинг ва тилни хорижий тил сифатида ўрганувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга қаратилган. Унга кўра мулоқот жараёни дискурсив вазиятларнинг қўйидаги талаблари ва хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади: (1) тематик; (2) услубий мос (адекват)лиги; (3) функционал-семантик хусусияти; (4) мантиқийлиги (мавзу-шарҳ, фон – фокус муносабати ва х.к.); (5) ўзаро боғлиқлиги ва узвийлиги; (6), риторик самарадорлиги [6].

Она тили ва чет тилларни эгаллаш сифати ва сарадорлиги юқори даражаларга кўтарилиб бораётган бир даврда дискурсив компетенциянинг аҳамияти тобора ортиб бораётганилиги алоҳида таъкидлаш лозим [2]. Умумевропа халқаро стандарт даражаларида белгиланган тилларни ўзлаштиришнинг A1 дан C2 гача бўлган даражаларининг барчасида дискурсив компетенциянинг қўйидаги тўрт жиҳатини шакллантириш кўрсатиб ўтилади: (1) дискурсив шароитларга мослашиш қобилияти (*flexibility to circumstances*); (2) ўзаро самарали ҳамкорлик стратегияси (*also presented under interaction strategies*); (3) мавзулар ишланмаси (*thematic development*); (4) изчилилк, узвийлик ва ҳамжиҳатлик (*coherence and cohesion*) [5].





Ушбу мақолада “дискурсив компетенция” тушунчасига асосли таъриф беришга, унинг ўзига хос хусусиятлар кўрсатиб беришга ҳаракат қиласиз.

Мамлакатимизда чет ўқитиш методикаси ва лингводидактикаси соҳаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган олимлар, тадқиқотчилар томонидан “дискурсив компетенция” тушунчасига таъриф бериш, тушунчани илмий ёритиши ва дискурсив компетенцияни шакллантириш масалаларига бағишлиланган қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Уларнинг ишларида “дискурсив компетенция” – коммуникантларнинг нутқи ва фикрини тўғри етказиши ва уларни тўғри идрок етиш аспектлари сифатида қаралади.

Ф. И. Икромхонова, А.А.Позилов дискурсив компетенцияда коммуникатив ёндашув устувор бўлиши кераклиги асослаб берадилар [3].

Коммуникантнинг нутқи ва фикрлашига рафат бериш деганда, аутентик нутқ маҳсулини англаб етиш (дискурсив ёндашув), информационтематик мазмунни тизимили умумлаштириш (жанрга доир ёндашув) ва, ниҳоят, шахснинг умумий ривожланишига эришиш (психологик-типологик ёндашув) кабилар тушунилади

Нутқни узатувчиси – адресанти, матн йўлланган манзили (кимга? қандай? нима учун?), уни қабул қилувчиси – адресати ва кутилган натижаси (самарали, самарсиз) мавжуд. Мамлакатимиз давлат таълим стандартлари талабларига кўра тил ўраганувчиларнинг дискурсив компетенциясини шакллантириш мазмуни, метод ва воситаларини тавсифлаш муаммоларига катта эътибор бериб келинмоқда [3].

Баъзи муаллифлар дискурсив компетенциянинг моҳиятини "матнни тушуниш ва таҳдил қила олиш, нутқни ёзма ва оғзаки шаклда тўғри тузиш кўникма ва малакаларни такомиллаштириш"да биладилар [4]. Бошқалари бўлажак чет тил ўқитувчиларнинг дискурсив компетенциясини ривожланишинг асосий воситалари "матн манзилини тўғри танлаш, изчиликни таъминлаш, мулоқотнинг шаклига мос дискурсив даражаларини аниқлаб олиш, ва матнларни тўғри талқин қилиш ва адаптация қила олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш мақсадида дискурс таҳлили фанига кўпроқ соат ажратиш" билан боғлиқлигини эътироф этадилар [1].

И.А.Евстигнеева хорижий филология фақультетлари талабаларининг дискурсив компетенцияларини шакллантиришнинг муҳимлигини “маданиятлараро мулоқотга киришишда самарали мулоқотни таъминлаш учун, ўша маданият вакилларининг урғодатлари, хулқ-автори, тарихи ва психологиясини билиш жуда муҳим ҳисобланиши билан биргаликда, бошқа бир маданият эгасига нисбатан ҳурматни ҳам англатишини, мулоқот иштирокчилари (ахборот узатувчи ва қабул қилувчи)нинг дунёқараши нуқтаи назаридан ҳис қилишда” деб таъкидлайди [2]. Бундан кўриниб турибдики, оима дискурсив компетенция деганда “хоржий тилдаги ахборотни тили ўрганилаётган мамлакат вакили сифатида ҳис қилиш, мулоқот мақсадига мос, лексик, грамматик, синтактик меъёрларга мувофиқ равища матнни кодлаш ва декодлашда унинг услуби, жанри, ижтимоий-маданий, психологик ва ҳиссий омилларини ҳисобга олиш”.

Бўлажак чет тил ўқитувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича турли жанрдаги матнлар билан ишлай олиш, ўрганилаётган хорижий тил вакиллари билан оғзаки ва ёзма тарзда эркин мулоқот олиб бора олиш билан бирга чет тил ўқитиш методикаси



соҳасидаги илмий муаммоларни аниқлаб таҳлил қила олиш кўникма ва малакалари такомиллаштириш уларнинг касбий тайёргарлигининг ажralmas қисми сифатида қаралади ва қуйидагилар бўлажак мутахассисни касбий ўсишида ёрдам беради:

- касбий (педагогик, психологик, ижтимоий, филологик ва методик) терминологияни ўзлаштириш орқали турли таълимга оид бўлган сухбатларда фаол қатнаша олади ва самарали мулоқотни йўлга қўя олиш кўникмалари;
- касбий ва илмий тадқиқот соҳаларида турли хорижий тиллардаги адабиётларни еркин тушуниш ва шарҳлаш қобилияти;
- чет тилда хорижий ва маҳаллий инновацион тажрибаларни умумлаштириш қобилияти;
- долзарб илмий ва методологик масалалар, тил ўқитиши соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича мухокамаларда иштирок этиш қобилияти.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бўлажак чет тил ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини оширишда уларнинг касбий-педагогик, маданиятларро ва дискурсив компетенциясини тили ўрганилаётган мамлакатнинг таълим-тарбия жараёни ҳақидаги маълумотларни, педагогик тажрибаси, таълимга олиб кирилаётган инновациялар ва таълимга оид терминларни ўзлаштириш орқали такомиллаштириш мухим аҳамият касб етади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. **Беспалова С. В.** Дискурс в лингвистике и практике преподавания (немецкий язык). Саранск: Морд. гос. ун-т им. Н. П. Огарева, 2003. 115 с.
2. **Евстигнеева И. А.** Формирование дискурсивной компетенции студентов языковых вузов на основе современных интернет-технологий // Язык и культура. 2013. № 1 (21). С. 74-82.
3. **Икромхонова Ф. И., Позилов А.А.** Олий таълим муассасаларида инглиз тилидан корректив курс яратиш назарияси ва амалиёти (инглиз тили мисолида) (нолисоний олий ўкув юртлари учун). Гулистон.
4. **Попова Н. В.** Междисциплинарная дискурсивная линия в программе подготовки лингвистов. СПб.: Изд-во СПбГУ, 2009. 330 с.
5. **Canale M.** From communicative competence to communicative language pedagogy // Language and Communication / ed. by J. C. Richards, R. W. Schmidt. L., UK: Longman, 1983. P. 2-28.
6. Common European Framework of Reference for Languages. Cambridge: Cambridge University Press, 2001. 260 p.